



БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шоназарова Нодира Валиевна

Сирдарё тумани 33-умум таълим мактабида бошлангич синф укитувчиси

Аннотация: Шахс шаклланишида бошлангич синфларда бериладиган таълим-тарбиянинг ўрни бекиёсдир. Мақолада кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятлари, бошлангич синфларда ўқув фаолиятини ташкил этишининг ўзига хослиги, ушибу даврда таълим жараёнини ташкил этишида юзага келадиган муаммолар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, бу муаммоларни бартараф этиши бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: кичик мактаб ёши, ўқувчи, ўқитувчи, таълим жараёни, ўқув фаолияти, қизиқиши, индивидуал хусусиятлар, шахс шаклланиши.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «... келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик». Дарҳақиқат, ҳар жиҳатдан баркамол, жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрловчи шахсларни тарбиялашда бошлангич синфларда бериладиган таълим ва тарбиянинг роли бекиёсдир. Чунки ўқувчи оладиган билим, кўникма ва малакаларга пойдевор худди шу бошлангич синфларда қўйилади. Мактабга бориш бола ҳаётида янги ёш даврига асос солади ва унга янги бир дунёни очиб беради. Бола 1-синфга ўқишига келиши билан таълим жараёни таъсирида ундаги барча билиш жараёнларининг қайта қурилиши амалга ошади ва у катталарга хос хислатларни ўзлаштира бошлайди. Энди бола ўзидан янги психологик сифатларни талаб қилувчи ва ўзи учун бутунлай янги бўлган фаолиятларга ҳамда шахслараро муносабатлар тизимига кириша бошлайди. Мактаб таълимининг дастлабки кунидан бошлабоқ кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг психик ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички ихтилофлар вужудга келади. Булар замирида ўқувчи шахси, унинг билиш жараёнлариiga нисбатан ўқув фаолияти, ўқитувчи томонидан қўйилаётган талаблар билан боланинг психик камолот даражаси ва ундаги



мавжуд инсоний фазилатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ётади. Талабларнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини тақозо этади ва шу жараённинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади. Таълим жараёнида юзага келадиган қийинчиликлардан бири айрим болаларнинг мактаб таълимига тайёр бўлмаган, етилмаган ҳолда келиши билан боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, айрим болалар ўзлари учун янги бўлган ижтимоийпсихологик роль учун нафақат тайёр бўлмаган ҳолда, балки билим, малака ва кўникма даражалари, ўқишига мойиллиги турлича бўлган индивидуал-психологик тафовутлари билан келадилар. Бу уларнинг айримлари учун ўқишини ўта енгил, зерикарли ва қизиқарсиз машғулот бўлиб қолишига асос бўлса, бошқалари учун ҳаддан зиёд қийин (машаққатли, оғир ва ана шуларнинг оқибатида улар учун ҳам қизиқарсиз) машғулотга айлантириб қўяди. Фақат учинчи тоифа болалар учунгина таълим дастурлари, уларнинг қобилиятига мос келади. Кичик мактаб ёшидаги болалар тез чалғийдилар, узоқ вақт диққатларини бир нарсага қаратса олмайдилар. Уларда диққатни иродавий зўр бериш билан бошқариш ва вазиятга мослаш имконияти яхши бўлмайди. Бунинг асосий сабаби, улардаги ихтиёрий диққатнинг кучсизлиги ва бекарорлигидир. Бу ёшдаги болаларда ихтиёrsиз диққат кўпроқ ривожланган бўлади. Ўқув материалларининг яққоллиги, ёрқинлиги, жозибадорлиги, ўқувчида беихтиёр ҳис-туйғуларни уйғотади ва кучли иродавий зўриқишиз фан асосларини эгаллаш имконини беради. 1-2-синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун ҳам улар ўз диққатларини узоқ муддат муайян нарсаларга қаратса олмайдилар ва диққат объектлари устида узоқ тўплаб тура олмайдилар.

Баъзан бошлангич синф ўқувчилари ҳатто мазмуни тушунарли бўлган материални ҳам маъносига эътибор бермасдан, механик равишда ўрганиб оладилар. Психолог олим Э.Ф. Ғозиевнинг фикрича, бунинг сабаблари қуидагилар:

1) кичик мактаб ёшидаги болаларда механик хотира бошқа хотира турларига қараганда яхшироқ ривожлангани учун ҳам у маълумотларни айнан, ўзгаришсиз эслаб қолиш имконини беради;



2) ўқувчилар ўқитувчи қўйган вазифани англаб етмайдилар, натижада унинг «тўғри тушунтириб бер» деган талабини сўзма-сўз такрорлаш деб биладилар;

3) уларда нутқ бойлигининг етишмаслиги (илмий атамалар, тил қонуниятларини билмаслиги) материални ижодий тўлдириш, унга қўшимча қилиш имконияти йўқлиги уни сўзма-сўз қайтаришни осонлаштиради;

4) ўқувчилар матнни тўғри, самарали усувлар билан эслаб қолиш йўлларини билмайдилар.

Таълим жараёнида ўқув материалининг маъноси, моҳияти, турли мулоҳазалар, далиллар, илмий асосларини эслаб қолиш ва эсга тушириш орқали ўқувчиларда мантиқий хотира такомиллашади. Биринчи синфдан бошлаб ихтиёрий эсга тушириш қобилияти тез ривожлана бошлайди. Ўқиши жараёни учун ихтиёрий эсда қолдириш ҳам, ихтиёрий эсга тушириш ҳам баробар талаб этилади. Бусиз ўқиши жараёнининг нормал бўлиши мумкин эмас. Ўқувчилардан фақат ўрганиб, билиб олишгина эмас, балки ўрганиб билиб олганини хотирлай олиш ҳам талаб этилади. Ўқув материалини муайян тизим билан хотирлаш фақат ихтиёрий эсга тушириш йўли билангина бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
2. Выготский Л.С. Психология развития ребёнка. – М.: «Смысл», 2004.
3. Фозиев Э.Ф. Онтогенез психологияси. – Т.: «Ношир», 2010. – 142-б.
4. Давлетшин М.Г., Дўстмуҳамедова Ш.А. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2009.
5. Солиева Д.А., Дўстмуҳамедова Ш.А., Эргашев П.С. Кичик мактаб ёшида ўқув мустақиллигини ташхис қилиш ва ривожлантиришнинг услубий асослари. – Кўқон, 2012. -76-б.



6. Шеримбетова З.Ш. Бошлангич синфлардаги ўзлаштиромовчи ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари. Психология фанлари номзоди диссертацияси. – Т.: ЎзМУ, 2007.

